

13-ma’ruza Ilmiy grant uchun materiallarni tayyorlash metodologiyasi.

Ўзбекистондаги илмий грант тадқиқотлари турлари

фундаментал илмий тадқиқотлар – инсон, табиат ва жамиятнинг шаклланиши, ривожланиши, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ўрганишга, қонуниятларини очишга, янги билимлар олишга йўналтирилган, шунингдек, муайян фаолият натижасида яратилган обьектларни ўрганишга қаратилган назарий ва (ёки) тажрибага асосланган тадқиқотлар;

амалий илмий тадқиқотлар – амалий мақсадларга эришиш ва муайян муаммоларни ҳал этиш учун янги билимларни ва фундаментал илмий тадқиқот натижаларини қўллашга йўналтирилган тадқиқотлар;

инновацион илмий-техник ишлар – ишлаб чиқариш бошланишидан аввал тажриба намунаси ёки тижорат мақсадлари учун янги ёки ишлаб чиқилган материаллар, механизмлар, маҳсулот, технология, тизим ёки хизматларни олиш ёки уларни лойиҳалаштириш учун фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларини қўллашга қаратилган тадбирлар, шунингдек, янги ташкилий-иктисодий шакллар;

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар Давлат илмий-техник дастурлари ва уларни топшириқларини шакллантириш босқичлари

Вазирликнинг Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси томонидан вазирлик ва идоралар, худудий давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларига улар фаолият юритаётган иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш билан боғлиқ мавжуд долзарб муаммоларни аниqlаш ва рўйхатини тақдим этишни сўраб хат юборади.

Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси Давлат илмий-техника дастурлари ва уларни топшириқларини шакллантириш учун таклифларни қабул қиласди.

Вазирликнинг Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси тегишли таркибий тизимлари (бошқарма, марказ ва бўлимлари) биргаликда дастлаб Вазирлик ва идоралар, худудий давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тақдим этилган таклиф ва муаммоларни долзарблиги, мақсадга мувофиқлиги, якуний натижавийлиги бўйича ўрганиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Президентнинг республика ҳудудларига ташрифлари чоғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъруза ва нутқларида кўзда тутилган вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиш баённомалари топшириқлари ва иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва вазифаларидан келиб чиқиб, даврий равища тематик муаммолар рўйхатини шакллантириб боради.

Бошқарма ва Илмий котиб, Илмий-техникавий Кенгашлар билан вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган таклифларни таҳлил қиласди, фан ва технологиялар, инновацион тараққиётнинг устувор йўналишларига мослаштирган ҳолда Давлат илмий-техник дастурлари ва уларни топшириклари рўйхатини шакллантиради.

Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси томонидан Давлат илмий-техник дастурлари ва уларнинг топшириклари Вазирлик Ҳайъатига тасдиқлаш учун киритилади ва Вазирлик Ҳайъати томонидан тасдиқланади

Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар танловини ўтказиш учун Оммавий ахборот воситалари ва Вазирликнинг веб-саҳифасида фан йўналишлари бўйича Давлат илмий-техник дастурлари топшириқларини шакллантиришдан келиб чиқиб, тадқиқотларга танловларни босқичма-босқич эълон қилиб боради. Эълонда танлов муддатлари, талаблари ва лойиҳаларни танловга топшириш тартиби келтирилади.

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар илмий-техника дастурлари ва топшириқларини бажариш юзасидан танлов ва лойиҳалар экспертизасини ўтказиш

Танловга лойиҳаларни қабул қилиш талабгорлар томонидан лойиҳа fan portalдан рўйхатдан ўтгандан кейин электрон шаклда fan portal саҳифаси орқали ва Вазирликнинг Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси томонидан қоғоз кўринишида график асосида ИТИ ва ОТМларнинг Илмий бўлимларидан йиғма ҳолда қабул қилинади. Бошқарма томонидан танловга қабул қилинган лойиҳалар белгиланган талаблар бўйича кўриб чиқилади ва расмийлаштирилади.

Танловга тақдим этилган лойиҳалар Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармасида фан йўналишлари бўйича шакллантирилган эксперт гуруҳлари томонидан танлов талабларига мувофиқлиги бўйича дастлабки техник экспертизадан ўтказилади.

Дастлабки техник экспертизада танлов талабларига мувофиқ деб топилган лойиҳалар Илмий котиб орқали Вазирлик қошидаги Илмий техник Кенгашларнинг лойиҳаларнинг экспертиза ва молиялаштиришга тавсия қилиш бўйича Экспертиза Хулосаларини олиш учун берилади.

Дастлабки техник экспертизада танлов талабларига мувофиқ деб топилмаган илмий лойиҳалар кейинги босқичга ўтказилмайди

Илмий-техникавий Кенгашлардан экспертизаси ижобий хулосаланган ва молиялаштиришга тавсия этилаётган илмий лойиҳалар хамда Илмий-техник Кенгашларнинг экспертиза фаолияти натижалари бўйича тасдиқланган Баённомаси билан Илмий котиб орқали Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармасига тақдим этилади

Бошқармада фан йўналишлари бўйича шакллантирилган Эксперт гуруҳлари томонидан, лозим бўлган тақдирда, айрим илмий-техник лойиҳалар бўйича Илмий-техник Кенгашларнинг Баённомаси асосида илмий-техник лойиҳаларнинг танлов натижаларига мувофиқлиги, Илмий-техникавий Кенгашлар фаолиятининг обьективлиги, натижадорлиги, натижаларни иқтисодиёт тармоқ ва талабларига мослиги нуқтаи-назаридан баҳоланади ва тегишли хулосалар тайёрланади

Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси томонидан лойиҳаларнинг танлов натижалари тасдиқлаш учун Вазирлик Ҳайъатига киритилади

Вазирлик Ҳайъатида лойиҳаларнинг танлов натижалари ва уларни молиялаштирилишга тавсия этиш бўйича юзага келадиган баҳслар Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгashi томонидан кўриб чиқилади ва яқуний қарор қабул қилинади

Дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш давлат бюджетининг "Фан" соҳасига ажратиладиган маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Бюджет маблағларининг Дастурлар бўйича молиявий тақсимоти Молия вазирлиги томонидан Инновацион ривожланиш вазирлигининг таклифига мувофиқ белгиланади.

Лойиҳа раҳбарлари ижрочи ташкилотларнинг раҳбарлари билан бир қаторда бажариладиган тадқиқотларнинг илмий-техник савиаси, хисоботларни белгиланган муддатларда топширилиши, шунингдек молиявий маблағларнинг самарали ва мақсадли сарф қилиниши учун шахсан жавобгардирлар

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар илмий-техника дастурлари ва топшириқлари асосида илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва молиялаштириш

Ижрочи ташкилот лойиҳаларни бажарилиши учун тегишли шарт-шароитлар яратади, тадқиқотларни сифатли бажарилишини таъминлайди. Бир ходим қўпи билан 2 ставкадан ошмаган ҳолда грант лойиҳаларида иштирок этиши мумкин.

Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси вазирлик тизимидағи тегишлилиги бўйича бошқарма ва бўлимлар билан лойиҳалар ҳисобот материалларини қабул қиласди. Ушбу материалларни Илмий котиб орқали Илмий-техникавий Кенгашлар ва Эксперт гурухларига экспертизадан ўтказиш учун тақдим этади. Бошқарма давлат буюртмасини бажарилиши бўйича ахборот ва бошка таҳлилий материалларни тайёрлади.

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар илмий-техника дастурлари ва топшириқларини бажариш юзасидан танлов ва лойиҳалар экспертизасини ўтказиш

Лойиҳаларнинг илмий раҳбарлари ва ижрочи ташкилотлари Вазирликка электрон контент тизими орқали:

- лойиҳа доирасида биринчи ярим йилликда белгиланган вазифаларни бажарилиши тўғрисида қисқача ахборот (25-июлгача);
- йиллик оралиқ босқич ва якуний ҳисоботлар лойиҳа бошланган даврдан ҳар ўнинч 15-кунигача ижрочи ташкилот Илмий кенгашининг хulosаси билан бирга юборилади. Электрон контент тизими орқали тақдим этиладиган ҳисоботлар портали юқорида кўрсатилган саналардан сўнг автоматик тарзда ҳисоботларни қабул қилишни тўхтатади.

Илмий-техникавий лойиҳалар бўйича Давлат буюртмасини бажариш, муайян босқич ва тугалланган ҳисобот материалларини қабул қилиш Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармаси томонидан қабул қилинади ва Илмий-техникавий Кенгашлар ва Эксперт гурухлари томнидан кўриб чиқиш учун Илмий котибга топширилади

Онлайн тизим орқали юборилган оралиқ-босқич ва якуний ҳисоботлар тегишли Илмий-техник Кенгашларга юборилади. Мазкур Кенгашлар ҳисоботларни илмий-техник экспертизадан ўтказади. Эксперт хulosалари тегишли Кенгашлар қарори билан тасдиқланади

Ҳисоботлар бўйича экспертиза хulosалари тегишли Илмий-техник Кенгашларда тасдиқлангандан кейин лойиҳаларда белгиланган топшириқлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади ва сарфланган молиявий маблағларни ажрим қилишга асос бўлади.

Илмий-техник Кенгашлар оралиқ-босқич ҳисоботлари натижасига кўра тўхтатилган лойиҳалар бўйича маълумотни Вазирлик Илмий котибига тақдим этади. Мазкур маълумот асосида Вазирлик ушбу лойиҳаларни молиялаштиришни тўхтатади. Молиялаштирилиши тўхтатилган лойиҳалардан бўшаган маблағлар Бошқарма таклифи асосида Вазирлик Ҳайъати қарорига кўра юқори самара кўрсатиши кутилаётган амалдаги бошка лойиҳаларни қўшимча молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар илмий-техника дастурлари ва топшириқлари асосида амалга оширилаётган илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни оралиқ ва якуний мониторингини ўтказиш

Мақсадли молиялаштириш: Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-техника тараққиёти, озиқ-овқат, экологик, ҳарбий хавфсизлиги ва замонавий фан ютуқларига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат масалаларини ҳал этишга қаратилган Давлат буюртмаси мақомига эга бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Фармонлари, қарорлари, Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида келтирилган топшириқларни амалиётини таъминлашга йўналтирилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ва инновация ишланмалар илмий-техник лойиҳалари танлов асосида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан танловсиз молиялаштирилади

Вазирлик Илмий котиби Илмий-техник Кенгашлар ва Эксперт гурухлари эксперт ва мутахассисларини жалб қилган ҳолда шартнома асосида илмий-тадқиқот ва инновацион ишларни бажариш мониторингини ташкил этади

Мониторинг қўйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- тақдим этилган ҳисбот материалларини экспертиза таҳлилини ва назоратини ўтказиш;
- тегишли Илмий-техник Кенгашлар ва Экспертлар гуруҳи ва бошқа илмий йиғилишларда шартномадаги ижрочи-ташкилотларнинг ҳисбот маъruzalari;
- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ижроси бўйича эксперт текширувларини тўғридан-тўғри лойиҳалар бажарилаётган жойларда ўтказиш.

Жорий ҳисботларни қабул қилиш ва мониторингини ўтказиш жараённида, зарурат бўлса, томонларнинг розилиги билан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари дастури ҳамда шартнома шартларига аниқлик ва қўшимчалар киритилиши мумкин

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг алоҳида босқичларида режалаштирилган ҳажмларни ўз вақтида бажармаслик, шунингдек, ҳисбот материалларини тақдим этиш муддатларига амал қиласлик молиялаштиришни тўхтатишга сабаб бўлади

Илмий-техник Кенгашлар ва Экспертлар гуруҳи эксперталарининг давлат буюртмаси бўйича амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг илмий жиҳатдан саёзлиги ва самарасизлиги ҳақидаги асосланган хulosasi Вазирлик томонидан шартномани бекор қилишга ва шунга кўра илмий-техник лойиҳаларни молиялаштиришни тўхтатишга асос бўлади

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига Фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар илмий-техника дастурлари ва топшириқларини шакллантириш, танлов ва экспертизасини ўтказиш, уларни амалга ошириш ва мониторингини ўтказиш тартиби бўйича белгиланган механизм республикада илмий-техникавий ва инновацион тараққиётни юксалтиришга, фан соҳасига ажратилаётган молиявий маблағлардан самарали фойдаланишга, фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга, илмий-техник салоҳиятни ўсишига ва аҳоли туруш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини оширишга хизмат қиласи.

Мавзу бўйича муаммоли саволлар ва топшириқлар:

1. Ўзбекистондаги илмий грант тадқиқотлари турлари.
2. Дастурлари ва уларни топшириқларини шакллантириш босқичлари.
3. Дастурлари ва топшириқларини бажариш юзасидан танлов ва лойиҳалар экспертизасини ўтказиш.
4. Илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва молиялаштириш.
5. Грант танлови ва лойиҳалари экспертизасини ўтказиш.Лойиҳаларни оралиқ ва якуний мониторингини ўтказиш.